

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА СОЛИҚ МУАММОЛАРИ

Даминов Отабек Уткир ўғли

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги

Солиқ қомитаси ходими

Аннотация

Мазкур мақолада электрон тижоратнинг назарий асослари, унинг юзага келиш ва ривожланиш босқичлари, турли олим ва тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари, электрон тижоратнинг иқтисодиёт субъектлари учун афзалликлари, солиққа тортиш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, иқтисодиёт субъектлари, интернет тармоқлари, солиққа тортиш.

Ҳар қандай давлат учун бюджет манфаатлари нуқтаи назаридан жаҳонда ва мамлакат ичида кечаётган иқтисодий жараёнларни инобатга олган ҳолда ўз солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ тизимини мазкур ўзгаришлар ва янгиликларга мослаштириб бориш тақозо этилади.

Сўнгги йилларда электрон тижорат яратаётган катта имкониятлар мазкур сегментни жадал ривожланаётганлигини кўрсатмоқда, хусусан, Интернет орқали дунёнинг исталган нуҳтасидан молиявий операцияларни амалга ошириш имкониятини яратувчи мобил қурилмалар сонининг кескин ўсиши ҳисобига кейинги 20 йил давомида электрон тижорат кўлами глобал даражага етди. Бироқ таъкидлаш жоизки, электрон тижоратнинг айрим йўналишларини меъёрий тартибга солиш масалалари хали ҳам тўлиқ ечимини топмаган масалалардан ҳисобланади.

Шу ўринда электрон тижорат тушунчасини кўриб чиқиш ўринли бўлади. “Википедия” интернет-энциклопедияси сайтида “Электрон тижорат (е-тижорат, ингл. “e-commerce”) - бу интернет орқали савдо-сотик амалиётларини ташкил этиш” деб таъриф берилган [1].

Электрон тижоратнинг назарий асосларини дастлаб тадқиқ этган олимлардан америкалик иқтисодчи Дэвид Козье томонидан “Электрон тижорат - электрон тармоқлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик шакли” сифатида кўрсатилган [2].



“Электрон тижорат бу ахборот айрибошлаш воситаларидан фойдаланган ҳолда операциялар амалга оширилган тижорат фаолияти” [3].

Россиялик иқтисодчи И.Успенский томонидан берилган таъриф кенгрок бўлиб, унда “Электрон тижорат деганда электрон усуллар билан амалга ошириладиган, номоддий айрибошлаш ва жисмоний мулоқотсиз амалиёт натижасида мулкга бўлган эгалик ҳуқуқи ёки товар (хизмат)дан фойдаланишга бўлган эгалик ҳуқуқнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишида юзага келадиган тижорат келишувларнинг барча шакллари” тушунилиши келтирилган [4].

“Электрон тижорат деганда - компьютер тармоқлари ёрдамида электрон шаклда амалга ошириладиган тадбиркорликнинг алоҳида шакли” сифатида қаралади [5].

Бугунги кунда электрон тижорат секторининг жадал ривожланаётганлиги давлатлар олдида, хусусан, Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ҳал этишни тақозо этади. Электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш масаласи мавжуд муаммоларнинг биридир.

Ҳозирги кунда электрон тижорат жадал ривожланмоқда ва бунинг оқибатида анъанавий бизнес тобора жиддий рақобат қамровида қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда савдо жараёни виртуал майдонга кўчиб ўтади ҳамда унда исталган маҳсулотни дунёнинг ҳар қандай ҳудудидан харид қилиш имконияти ортиши натижасида ялпи ички маҳсулотнинг сезиларли улуши ахборот маҳсулотлари ва хизматлар ташкил этади.

Шу ўринда келтириб ўтиш лозимки, ҳар қандай давлат бюджети олдида солиқ тушумлари ҳажмини ошириш масалалари билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардан бири - жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган электрон тижорат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган электрон тижорат субъектларини солиққа тортишнинг самарали механизмини шакллантириш ҳисобланади.

Электрон тижоратнинг шаклланиш босқичи таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик тўлақонли ривожланган мамлакатлар тажрибаси мисолида халқаро солиқ амалиётида электрон тижоратни солиққа тортишнинг турли концепция ва ёндашувлари ишлаб чиқилган ва улар такомиллаштириб борилаётганлигини кўриш мумкин.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортишнинг ҳозирги ҳолати замонавий ахборот технологиялари ва



улардан электрон тижоратда фойдаланишни шакллантириш босқичидан ўтган давлатларга хос амалга ошириладиганлигини қайд этиш мумкин. Мамлакатимизда электрон тижоратни янада жадал ривожлантириш, ушбу тармоқда “яширин иқтисодиёт”ни кўламини камайтириш, электрон тижорат субъектларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиши ва фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида тармоқнинг ҳозирги ривожланиш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда дастлабки босқичда Электрон тижорат иштирокчиларининг Миллий реестрига киритилган электрон тижорат билан шуғулланувчи ташкилотларга ягона солиқ тўловини пасайтирилган 2 фоизли ставкасини 1 фоизгача камайтириш мақсадга мувофиқ. Ўйлаймизки, бунинг натижасида электрон тижоратни амалга оширувчи ташкилотлар ўз фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказилган ҳолда қонуний асосларда фаолият кўрсатишига рағбат бўлади ҳамда яқин келажакда мазкур тижорат тармоғини янада жадал ривожланишига омил бўлади ва бюджет даромадларини шакллантиришда сезиларни даромадлар кўпайишига олиб келади.

Рақамли иқтисодиёт, хусусан, электрон тижоратнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек ушбу тармоқни солиққа тортишнинг мураккаблигини инобатга олиб, Давлат солиқ органлари таркибида замонавий ахборот технологиялари орқали амалга ошириладиган иқтисодий-молиявий операциялар, хусусан, электрон тижорат, рақамли маҳсулотлар билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари мажбурий тўловлар ҳисобини ва улар фаолиятини тизимли мониторингини амалга оширадиган таркибий бўлинмани ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Албатта ушбу борада ахборот-коммуникация воситалари бўйича малакали мутахассисларни жалб қилиш, тегишли воситалар билан жиҳозлаш зарур. Ушбу тадбирни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлиги ушбу тармоқнинг кун-сайин ривожланиб, янги шакл ва усуллар орқали солиқ мажбуриятларидан четлаб ўтиш имкониятларини ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Ўз навбатида ушбу жараён давлат бюджети маълум солиқ тушумларига эга бўлмаслигига олиб келади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. https://www.wikiwand.com/uz/Elektron_tijorat
2. Козье Д. Электронная коммерция / Пер. с англ. М.: Издательско-торговый дом «Русская редакция», 1999. С. 2.



3. Кобелев О.А. Электронная коммерция: Учеб. пособие / Под ред. С.В. Пирогова. 3-е изд., перераб. и доп. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2008. 684 с.
4. Успенский И. Энциклопедия Интернет-бизнеса. СПб.: Питер, 2001. С. 61.
5. Корень А.В. Налогообложение субъектов электронной коммерции: проблемы и перспективы: монография. - Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2011.

